

## **“МАОРИФ ВА ЎҚИТЎВЧИ” ЖУРНАЛИДАГИ НАСРИЙ АСАРЛАРДА ДАВР ВОҚЕЛИГИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ (1925-1929-йиллардаги сонлари асосида)**

**Резюме.** Мақолада “Маориф ва ўқитғувчи” журналида нашр этилган насрий асарлар таҳлил этилган. Мазкур асарларда давр воқелигининг бадиий талқини, 20-30- йиллардаги адабий муҳит, ўлкада чоризм мустамлакачилиги масалалари тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар.** Насрий асар, давр воқелиги, аёллар эрки, илм-маърифат.

XX асрнинг 20-30-йилларида маданий-маънавий ҳаёт мураккаб, қийинчилик ва зиддиятлар билан кечди. 20-йиллар бошларида Ўзбекистонда маданий қурилишнинг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланган совет таълим тизимини шакллантириш ва ривожлантириш ишлари бошлаб юборилди. Шўро тузими Ўзбекистонда янги таълим тизимини яратишга белбоғлар экан, бундан кутган биринчи мақсади Ўзбекистонда халқ таълими тизимини ривожлантириш, халқни саводли қилиш, илм-маърифатдан баҳраманд этиш орқали юрт фарзандлари онг-у шуурига коммунистик ғояларни чуқур сингдириш ва шу йўл билан ўзларига чин дилдан хизмат қиладиган кадрларни тарбиялаш эди. Бундан ташқари, XX асрнинг 20-йилларида ўзбек хотин-қизларини тутқинликдан озод қилиш ҳаракати бошланади. Лекин бу масалани халқ орасида кенг миқёсда тушунтириш, маърифий ечимлар орқали ҳал этиш мумкин эди. Лекин бу ҳаракат, минг афсуски, шошқалоқлик, маъмуриятчилик усули орқали маҳаллий шароитни, ўлка удумлари, урф-одатларини эътиборга олмасдан тезлаштирилди. Айни чоғда бунга ҳеч ким тайёр эмас эдилар. Натижада, бу йўлда кўплаб ўзбек хотин-қизлари қурбон бўлишди.

20-30-йилларда ўзбек адабиёти ҳам жиддий ҳаётий синовларни бошидан ўтказди. Бой тарихий қадриятларга эга бўлган бу адабиёт миллат руҳининг ойнаси сифатида унинг маънавий турмушида муҳим аҳамият касб этди. Лекин бу асосий соҳа фаолияти шўро ҳукуматининг мунтазам

назорати остида бўлди. Уларнинг фикрида адабиёт кучли мафкуравий курул сифатида янги тузумни мустақкамлашга хизмат қилиши, оммани шунга даъват этиши лозим эди. 20-30-йиллардаги бу давр воқелиги, албатта, “Маориф ва ўқитғувчи” журналида нашр этилган асарларда ҳам ўз аксини топади.

“Маориф ва ўқитғувчи” журнали “Адабиёт” ва “Ғарб адабиёти” бўлимларида Шербек, Элбек, Ш.Сулаймон, Саид Аҳрорий, Бойиш, Ғози Юнус, Ф.Раҳмон, Миртемир, Кавкаб, Сомоний, С.Айний, Яшин, Маҳбуба Раҳим кизи, Н.Раҳимий, А.Ҳофиз, Амалахоним, Абу Варожа, Фотиҳ Бакир, Вадуд Маҳмуд, Ўлмас, Тайфун, Раҳим Али каби ижодкорлар томонидан турли мазмундаги ҳикоялар, тарбиявий эртак ва парчалар берилган. Уларнинг аксариятида 20-30-йиллардаги давр воқелиги бадиий лавҳаларда талқин этилган.

Маълумки, Совет ҳукумати Туркистон мухторияти тугатиш баҳонасида ўлка халқларини қирғин қилиб, даҳшатли қатағонларни бошлаб юборди. Буларнинг ичида Қўқон воқеаси алоҳида ўрин тутади. Қизил армия Қўқон шаҳридаги даҳшатли қирғинлар ва вайронагарчилик билан бирга, улар Фарғона водийсини ҳам яқсон қилиб, култепага айлантормоқчи бўлдилар. Бу йўл билан совет ҳукумати маҳаллий аҳолини кўрқитиб, бош кўтара олмайдиган қилиб қўймоқчи эди. Албатта, бу тарихий воқеалар ҳам журналда берилган насрий асарларда ҳам ўз аксини топган.

**1926 йилнинг 9-сонида “Сир” таҳаллуси остида “Инқилоб хотиралари”<sup>1</sup> номли ҳикоя берилган бўлиб, бунда Қўқонда “Шўройи ислом”чилар ва болшевиклар ўртасидаги жанг натижасида Қўқоннинг аянчли аҳволга тушгани, ҳудудда яшовчилар дуч келган жойга жон сақлаш учун қочгани, болшевиклар душманни енгиб, тирик қолганларга нон ва егулик нарсалар тарқатгани тасвирланади. Ҳикояда Шерали дўстига ёзган хатида Қўқоннинг аҳволини шундай тасвирлайди: “ ...Қўқон куйиб кул бўлди.**

---

<sup>1</sup> Sh.Sulaymon. Inqilob xotiralari. //Maorif va o'qitg'uvchi. 1926. 9-son, 44-47-betlar.

Бозор расталаридан ному нишон қолмади. Ҳамма ёқ ер билан яксон бўлди. Ўликларни кўмгани, йўқотгани киши йўқ. Бир ҳафтагача ўликлар чириб, сасиб, булоқсаб ётди. Муттаҳам ”Шўройи ислом”чилар билан болшевиклар урушамиз деб, гуриллаб яшнаб турғон шаҳримизни харобага айлантирди. Келсаларинг шаҳарни таний олмайсизлар. Ота-онанглардан хабар топмадим. Эҳтимол, қишлоққа қочиб кеткан бўлсалар... Хатни олғондан кейин мумкин қадар тезроқ келиш чорасини кўринглар”.

“Сир” тахаллусли ижодкор аслида Боис Қориевнинг “Адабий тахаллуслар ҳақида”<sup>2</sup> номли мақоласида кўрсатилишича Шокир Сулаймондир. Шоир, носир ва адабиётшунос Шокир Сулаймон 20-30 йилларда Ҳ.Ҳ.Ниёзий, С.Айнийлар билан бирга ижод қилган. Унинг “Иштирокиюн”, “Туркистон”, “Қизил Ўзбекистон”, “Фарғона” газеталарида, “Маориф ва ўқитғувчи”, “Аланга”, “Ер юзи” каби журналларда шеърлари, дostonлари, очерк ва ҳикоялари билан фаол қатнашиб турган.

Ҳикоя муаллифи инқилобдан кейинг ўзгаришларга ижобий баҳо берсада, аммо Қўқоннинг аёвсиз ер билан яксон қилинишини ҳам яширмайди. Зеро, Қўқоннинг бостирилиши бугунги кунгача шавқатсиз уруш мисолида хотираларда сақланади. Бу ҳақида тарихчи олим Элмурод Зокиров шундай маълумотларни келтиради: “Совет ҳукуматининг Туркистон мухториятини қонга бостириш учун арман миллатига мансуб дашноқлар отрядидан фойдаланиши Қўқонда ҳаддан ташқари хунрезликларни ошириб юборди. Дашноқлар Қўқонда шифохонани ёқиб юборди, унда 500та ярадор ва касаллар бор эди. Қўқон пахта заводи ишчиларининг 50 та хонадонининг аъзолари сўйиб ташланди. Қўқон шаҳрининг ўзида 10 та маҳалла аҳолисини сўйиб ташлаб, болаларини жовдидан ўтказди. Қўқон шаҳрида почта, 1000 дан ортиқ магазин ва дўконлар ёниб кул бўлди. 1500 дан ортиқ аҳолининг уйлари ёниб кўчада қолишди”<sup>3</sup> .

---

<sup>2</sup> В. Qoriyev. Adabiy taxalluslar haqida. // O'zbek tili va dabiyoti. 1967. 1-son. 51-57b.

<sup>3</sup> E. Zokirov. Turkiston muxtoriyatining tugatilishi hamda keying davrlarda muxtoriyatchilarga nisbatan qo'llanilgan ommaviy qatag'onlar. 3-jild.

20-30-йилларда мустамлакачилик сиёсати ҳақида Нарзулла Жўраев ва Шоди Каримовлар шундай деган эди: “Октябрь ҳарбий тўнтариш туфайли ҳокимиятни эгаллаб олган шўро ҳукумати Ўрта Осиё худудларида мустамлакачилик тартиб-қоидаларини мустаҳкам пойдевори асосида куриш учун икки хил кураш йўлини танлаб олди. Биринчи йўл, истиқлолга, миллий озодликка отланган туб ерли мусулмон аҳолини зўрлик билан бостириш йўли. Бу йўлни шўролар тиш-тирноғига замонавий, ҳарбий куроллар билан куролланган Қизил армия воситасида амалга оширди. 30-йилларнинг ўрталарига шу сиёсат давом этдирилди.

Иккинчи йўл зўрлик, куч ишлатиш, қамаш, сургун қилиш ва йўқ қилишдан қайтмаган ҳолда ўзгача фикрловчи, ўз мустақил фикрига – хулосасига эга бўлган шахсларга қарши мафкуравий жабҳада олиб борилди”<sup>4</sup>. “Инқилоб хотиралари” ҳикоясида акс эттирилган мустамлакачилик сиёсати Қўқон воқеасининг бадиий талқини эди.

20-30-йилларнинг асосий мавзуси бўлган Чоризмни бутунлай йўқ қилиш, коммунизмни ўрнатиш, янги эркин, фаровон ҳаётга эришиш ғоялари журналнинг 1926 йил 12-сонидagi Ғози Юнус таржимасидаги “Сайидзодалар”, 1927 йил 1-, 2-қўшма сонларидаги Ф.Раҳмоннинг “Чин турмушга энди чиқдим”, 1927 йил 9-, 10-қўшма сонларида Бойиш таржимасидаги Ситиннинг “Узун кулоқ”, 1929 йил 5-сонида М.Сайидхоновнинг “Хотамжон”, 1928 йил 10-сонида М.Ҳамидовнинг “Қора кунлардан парча”, 1928 йил 11-сонида Н.Раҳимийнинг “Босқинчилар”, 1928 йил 12-сонда Амалахоним таржимасида Гайдовискийнинг “Интиқом” каби ҳикояларида ҳам ўз аксини топган.

Элбекнинг “Кузатишда”<sup>5</sup> сарлавҳали ҳикоясида оддий, содда, тақдир синовларини кўравериш кўзи қотган Тошбобонинг бошидан кечирганлари ҳикоя қилинади. У дунёда бирон кишини, айниқса, яқин инсонини узок сафарга жўнатишдек оғир иш бўлмаслигини айтиб, ўзининг темир йўл

---

<sup>4</sup> N.Jo‘rayev, Sh.Karimov. O‘zbekiston tarixi. Sharq. Toshkent – 2011. 325-bet

<sup>5</sup> Elbek. Kuzatishda. //Maorif va o‘qitg‘uvchi. 1925. 2-son, 60-62-betlar

бўлмаган пайтлардаги сафари ҳақида сўзлайди. Сафарга чиқиш олдидан оила аъзоларининг ҳолатини қуйидагича тасвирлайди: “Биров ўлдириб қўйса, ўликлари дала-тошда қолиб, биз буларни, булар бизларни кўролмай қоларми эканлар, дейишиб бизнинг жўнашимиз олдидан барчалари қайта-қайта қучоқлашиб кўришар эдилар, оналаримиз бўлса бўйнимизга ёпишиб, сира қўйғиси келмай йиғлаб-йиғлаб ночор қолишар эдилар”. Такдир тақозоси билан 45 ёшга тўлганида бир ўғил кўриб, ёшига етганида уни ўқиш учун мактабга бергани, аммо 6-7 йилда ҳам ҳеч нарса ўргана олмагани учун уни бир ўртоғининг гапи билан янги мактабга кўчиргани, у мактаб шундай мактаб эканки, ҳатто ота-онасидан ҳам узоқлашиб, безиб, ҳеч кимни танимайдиган бўлиб қолиши, фақат ўқишни хоҳлаши, ўғли ҳозир уйланиб, икки болалик бўлса-да, ўртоқлари билан “Л” шаҳрига бориб ўқиб келишини, Тошбобо эса ҳар доим ўғлини кузатиш учун стансияга чиққанида ўз ота-онаси ёдига келиши, фарзандини узоқ сафарга жўнатиш нақадар оғирлигини сўзлайди ва ўғлини кузатиш учун чиққан бир формали кишининг поезд темир йўлларига қараб: ”Эй, тириклик томири, сен бу кетишингда бизни қанча қайғуртириб кетасан, қачон энди бизни қувонтирар экансан?” деган сўзларини ҳар доим эслаб юришини таъкидлайди.

Элбекнинг бу ҳикоясида фарзандини сафарга жўнатаётган ота изтиробни тасвирланиши билан биргаликда фарзандлар илм олиши, маърифатли бўлиши каби ғоялар илгари сурилган бўлиб, муаллиф ёшларнинг ўқиши, чет давлатларда таълим олиши, дунё кезиб, билимини, дунёқарашини оширишини, ҳар томонлама мукамал, маънавиятли ёш кадрлар Ўзбекистон равнақи учун зарур эканлигини яхши англагани сезилади. Тошбобонинг ўғли янги мактабга ўқишга кириб, тезда саводли бўлиши, ўқишини давом эттириш учун мураккаб давр синовларидан кўрқмаганлиги, оилали бўлсада ўқишини давом эттириши юқоридаги фикримизнинг исботидир. Яна муаллиф негадир, ўғли таълим олаётган шаҳар номини сирли равишда “Л” шаҳар деб беради, очик кўрсатмайди.

Зеро, Элбек ўз даврининг ёш авлодга билим тарқатувчи фидойиси сифатида янги мактабларда таълим оладиган 2-,4-синф ўқувчилари учун “Ёзув йўллари”, “Ўртак”, “Бошланғич мактабда она тили”, “Гўзал ёзғичлар” каби ўқув қўлланмалари ва мажмуаларни яратган. Элбек ҳаётдаги ҳар бир воқеа-ҳодисага, ўзгариш ва янгиликка ўз муносабатини билдирган шоир эди. Болаларни саводли қилиш, янги мактаблар бунёд этиш, улар учун янги китоблар ёзиш адиб ҳаётининг асосий мазмуни бўлган. Айниқса, у болалар адабиётини ривожлантиришда фаол иштирок этган.

**Сомонийнинг “Ўзгариш”<sup>6</sup> ҳикоясида** эса хотин-қизларни, жумладан ҳикоя қаҳрамони 17 ёшли Ҳамиданинг паранжини ташлаб, очилиб юриши, илм ўрганиши, бу йўлда тўсиқларни енгиб ўтиши, ўз ҳаётини ҳеч кимнинг аралашувисиз, мустақил куриши каби масалалари ёритилади. Ҳамида паранжини ташлаб, ўқитувчилар тайёрлайдиган мактабда таҳсил олиб, ўқитувчилик қилади. Яхшигина маош олиб, ўзининг ва оиласининг камчиликларини битиради. Бир куни онаси Мазода хола қизида пул борлигини билиб, ўғай ўғли Мансурга пул керак бўлганлиги учун уни уйга етаклаб келади. Аммо Ҳамида акасига пул бермайди, унинг қилган ишларини юзига солиб, уйдан ҳайдайди. Мансур хафа бўлиб уйдан чиқиб кетади. Бундан озорланган онасининг фикри ҳам Ҳамидани қизиқтирмайди. Московда ўқийдиган акаси Саттор билан гаплашиб Московга ўқишга кетади.

Ҳикояда илгари сурилган хотин-қизларнинг эркин бўлиши, жамиятда эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлиши, илм олиши, касбли бўлиши каби масалалар бадиий бўёқларда ёритилган.

“Маориф ва ўқитғувчи” журнали 1927 йил 3-4-қўшма сонларидаги “Адабиёт бўлими”да аёлларнинг очикликка чиқиб, билим олиши, бирон бир касбни эгаллаши каби масалалар Миртемирнинг “Ўзбек қизи Мастоной”, 1928 йилнинг 5-6-қўшма сонларидаги Яшиннинг “Лолахон”, 1927 йил 6-

---

<sup>6</sup> Somoniy. O'zgarish. // Maorif va o'qitg'uvchi. 1927. 6-son, 21-26-betlar

сонидаги Кавкабнинг “Тонг уйқусида” ва Ф.Рахмоннинг “Қутулиш” ҳикояларида ҳам ўз аксини топган.

Хуллас, “Маориф ва ўқитғувчи” журналидаги насрий асарларда даврнинг долзарб масалалари бадиий лавҳаларда тасвирланди. Журнал 20-30-йилларда юртимизда ҳукм сурган сиёсий аҳвол ва аجدодларимизнинг турмуш тарзи, хошиш-истаклари ҳақида ҳам тарихий ҳақиқатлардан бохабар қилишда адабий манба сифатида қимматлидир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Б.Қориев. Адабий таҳаллуслар ҳақида. //Ўзбек тили ва дабиёти. 1967. 1-сон. 51-57б.
2. Э.Зокиров. Туркистон мухториятининг тугатилиши ҳамда кейинг даврларда мухториятчиларга нисбатан қўлланилган оммавий қатағонлар. 3-жилд.
3. Элбек. Кузатишда. //Маориф ва ўқитғувчи. 1925. 2-сон, 60-62-бетлар
4. Н.Жўраев, Ш.Каримов. Ўзбекистон тарихи. Шарқ. Тошкент – 2011 325-бет
5. Сомоний. Ўзгариш. // Маориф ва ўқитғувчи. 1927. 6-сон, 21-26-бетлар
6. Ҳ.Узоқов. Элбек. Танланган асарлар. Шарқ. 1999. 9-бет
7. Ш.Сулаймон. Инқилоб хотиралари. //Маориф ва ўқитғувчи. 1926. 9-сон. 44-47-бетлар.